

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги
Қўқон Давлат Педагогика Институти

Ф.Тиллахўжаева

XXI аср дарслиги

(Ўзбекистон миқёсида Олий таълим муассасаларида
йўналиши хорижий тил бўлмаган факультетлар талабалари
учун немис тили дарслигини яратиш инновацион
методлари)

Қўқон 2008

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада муаллиф томонидан яратилган “Round um Usbekistan” деб номланган мутахассислиги немис тили бўлмаган таълим йўналишлари учун мўлжалланган дарслик мавзуларини ўтиш замонавий йўл-йўриқларини баён этилган.

Рисолада, шунингдек, интерфаол тил ўргатиш инновацион методлари ва уларни дарсликка тадбиқ этиш йўллари кенг ва атрофларича баён этилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари хорижий тиллар ўқитувчи ва талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар: филол.фан.ном., доцент Ш.Қ.Каримов, ЎзДЖТУ;
пед.фан.ном., доцент М.Толипов, Қўқон ДПИ

Масуъл муҳаррир:

Кириш

Маълумки, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш жараёнида асосий муаммоларни ўз вақтида ечиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб номланиши муносабати билан ишлаб чиқилган “Ёшлар йили” давлат дастурида қуйидагилар ўз аксини топган:

таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, замонавий талаблар асосида таълим муассасаларида ўқув дастурлари ва таълим стандартини ислохот қилиш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий ишонч билан қарашга, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат кўрсатиш ва бизнинг менталитетимизга ёт, зарарли ғояларга, оқимларга қарши тура олиши руҳида тарбиялаш.

Гёте-институти томонидан ташкил қилинган немис тили ўқитувчилари семинарлар таҳлили шуни кўрсатадики, машғулот натижаларининг асосий қисми *дарслик ёки дарсда фойдаланиладиган материалларга боғлиқ экан*. Юқоридаги талабларга жавоб берадиган немис тили дарслигини *қўллаш олиш* дарсни муваффақиятли ўтишининг муҳим шароитлардан биридир.

Мутахассислиги филология бўлмаган факультет талабалари учун хорижий тил (немис тили) замонавий дарслик асосан “Чет тилларни ўрганиш умумевропа компетенциялар” ва Ўзбекистон республикаси таълим стандартларига мувофиқ яратилган.

ОТМ талабаси чет тилини ўрганиб, хусусан, немис тилини келажакда ундан Европада тил ёки маданият билан боғлиқ турли шароитларда маданиятлараро мулоқотларга мойил бўлишини таъминлашимиз зарур.

Ҳурматли ҳамкасблар, сизларнинг билим беришдек машаққатли ва айни дамда роҳатли, ҳаёт тарзингизга айланиб қолган меҳнатингизга зафар ва омадлар тилаймиз.

“RUND UM USBEKISTAN” ДАРСЛИГИ МУАЛЛИФЛАРИ!

Замонавий дарслик концепцияси

“Rund um Usbekistan B1” дарслиги Европа компетенция тавсифи асосида тузилган. Анъанавий баҳолаш ўрнига, ушбу дарсликда билимни баҳолашнинг олтита даражаси (поғонаси) таклиф этилади: A1, A2, B1, B2, C1, C2 ушбу ҳолатда дарслик муаллифлари олдига қуйидаги вазифа қўйилди. Мазкур дарсликни “Чет тилини ўрганиш умумевропа компетенцияси” асосида тайёрлашга йўналтирилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат таълим стандарти талабига жавоб берадиган дарслик сифатида тайёрлаш, дарслик муаллифлари олдидаги асосий вазифа ҳисобланади.

“Rund um Usbekistan B1” талабаларда A1, A2 босқичидаги тайёргарлик даражасини талаб қилади. Дарслик ўзида кишилик жамиятида мулоқот жараёнида учрайдиган мавзулар, шунингдек Ўзбекистон ва Германиянинг иккита тарафлама алоқаларига тегишли ўлкашунослик материалларини мужассам этади.

Ҳар бир дарс тил компетенциясининг ривожланишига эффектив тарзда йўналтирилган аутентик мавзувий матнлар, диалоглар, мавзувий шеърлар ва коммуникатив (мулоқот қилиш билан боғлиқ) машқлардан иборат.

Маълумки, ҳар қандай инсон гапиришдан кўра кўпроқ эшитади, ёзишдан кўра кўпроқ ўқийди, фикрни оғзаки ёки ёзма ифодалашдан кўра кўпроқ тушунади. “Rund um Usbekistan ” дарслигининг концепцияси ана шу юқоридаги тамойиллар асосида қурилган.

Ҳозирги замон кўпгина методистларининг таъкидлашича тил ўқитишда ҳар бир машғулотнинг материаллари сифатида ўрганилаётган матнлар ва овоз ёзилган ҳужжатларни асосий манба сифатида белгилайдилар.

Ноқулай географик жойлашув ва иқтисодий шароитларда тил ўрганишдаги асосий билимлар эски дарсликлардаги сунъий тузилган матнлар билан чегаралангандир.

Гёте институти, немис кутубхоналари, немис тили мутахассислигига йўналтирилган махсус мактаблар ва ДААД лекторлари мамлакатимиз марказларида фаолият олиб борадилар, лекин немис тилини ўқитиш ва ўрганиш ишлари мамлакатнинг чекка жойларида ҳам амалга оширилади.

- ЧТ1 (ХТ1) ни ўрганишда дастлабки эътибор мулоқот кўникмаларини (лингвистика, социология ва прагматика аспектларида) ривожлантиришга қаратилгандир.
- Иккинчи (ХТ2) ни ҳам дастлабки тайёргарликсиз ўрганиш мумкин эмас;
- Ушбу ҳолатда эътибор ХТ1 га доир юқорида ўрганилган кўникмаларнинг бажарилишига қаратилади.
- ОТМ ҳозирги замон (замонавий) дарслиги билимнинг аниқ даражасини (А1, А2, В1, В2 ва ҳк.) белгилаш лозим.
- Босқичларнинг тавсифи (Deskriptoren) ва идроки (Kannbeschreibungen) муаллифларга маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олиб, мазкур дарсликни яратишда (муаллифларга) ёрдам берди.

Референт қолиб асосида яратилган дарсликнинг муҳим жиҳати шундаки, катта миқдорда мантиқий ҳолда боғлиқ фотосурат ва расмларнинг мавжудлигидадир. “Rund um Usbekistan ” дарслигининг ҳар бир машғулотини ўзида фотосуратлар ва тинглаш учун (Hörgeschichten) мужассам этган. Бундай фотосуратларни дастлаб, талабаларга кўриб чиқиш учун тарқатилади сўнгра уларнинг ҳар биридан ана шу расм асосида ўзининг ҳикоясини тузиши сўралади. Кейин аудио матнни тинглаш таклиф этилади ва улар тузган матн билан тингланган матн солиштирилади.

- ✚ Замонавий дарсликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у визуал жиҳози билан ажралиб туради.

Дарсликнинг дастлабки уч саҳифаси тўлиқ бутунликни ташкил қилади ва у ўзида мавзу бўйича ўқиш учун кичик матнлар (Lesetexte) талабаларнинг

кизиқишлари асосида келиб чиқиб сураатлар билан безатилган рўзномага (Magazin) ўхшайди.

Ушбу дарслик доимо тайёр маълумотни тақдим этавермайди, балки тез-тез интернет тармоғидан маълумот қидириш асосидаги машқларнинг бажарилишини кузатиб боради. Аввалги билимларни баҳолашдан олдин “Мен бажара олмайман” ўрнига “Мен бажара оламан” тамойилига қатъий амал қилиш тавсия этилади. Яъни уддалай олмаган талабага тайёр маҳсулотни бериб эмас, мустақил ишлашини таъминлаб баҳолаш кўзда тутилади. Ана шу мақсадда уқув жараёнининг ажралмас қисми сифатида “Ўқишни ўрган” ҳолати намоён бўлади. Дарслик муаллифлари томонидан ҳар бир матн катта эътибор билан танлаб олиниб иш турлари, лексик ва грамматик материаллар, шунингдек дарс материаллари асосида гуруҳларда ва мустақил ишлаш инструкцияси ҳам тўлиқ ишлаб чиқилган.

Тил ўқитиш жараёнида ўқув адабиётининг ўрни қанчалик муҳим ҳисобланар экан унга у ёки бу материални киритиш, унинг жойлашувини тартиблаш, ва материални фойдаланувчи (ўқувчи)га тақдим этиш йўллари доимо аниқ асослаш шартдир.

Мавзу ва вазият, шунингдек дарсликдаги манбалар тилдан фойдаланиш жараёнида ўзингизни хорижлик сифатида ҳис қилишингизни талаб қилмайди. Шунинг учун дарсликда қуйидаги машғулот турлари берилган:

Berichten Sie über Situation in Ihrer Umgebung.

Kennen Sie ähnliche Beispiele? и т. д.

Мазкур дарсликнинг асосий материали сифатида тил ташувчилари томонидан ёзилган газета мақолалари (саҳифалари) Süddeutsche Zeitung “Begegnungen mit Deutsch in Usbekistan” журнали мақолалари, ZDF немис тили программаси материаллари ва Ўзбекистон ҳақидаги улкашунослик материалларининг аутентик матнларидан фойдаланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “матн” тушунчаси остида биз нафақат ёзма (ёзилган) матнларни балки барча алоқа (мулоқот) воситалари, йўл белгиларидан тортиб жестлар, мимика, расмлар, рецептлар, қўшиқлар,

магазиндаги суҳбат, сиёсий нутқ, фойдаланиш учун йўриқномалар, об-ҳаво маълумотлари, интернетдаги эълонларни ҳам тушунмоғимиз ҳам керак.

“Ein Tag in Taschkent” мавзусини ёритиш учун, немис тилида Германия элчи хонасининг Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган маданий тадбирлар ҳақидаги эълонлардан фойдаланилди.

Аутентик матнлар, реал ҳаётнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ва бу хорижий тил ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда жуда катта аҳамиятга эга. Улар, энг аввало, нашр қилинган жой, манзил, шунингдек, хабарнинг мақсади ҳақидаги нақд маълумот олиш манбаидир.

Шунингдек, матнларнинг ташқи жиҳозланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Хорижий тилни ўқитиш учун аутентик матнларнинг аҳамияти нимада?:

Аутентик матнлар:

- ✚ Тил ташувчилари – халқнинг маданиятини кўриш имкониятини яратади.
- ✚ Талабаларда тилдан реал шароитда фойдаланиш асосида тил маданиятиг оид хусусидаги алоҳида жиҳатлар билан танишиш имконини беради.
- ✚ Турли даражадаги билимлар учун мўлжалланган.
- ✚ У ёки бу тил вазиятларида адекват равишда жавоб бериш имкониятини яратади ва шунингдек, ҳозир ўрганилаётган тилда ҳам маълумот олишни таъминлайди.

Хорижий тил дарсларида аутентик матнлардан фойдаланиш ҳақидаги фактларни таъкидлаган ҳолда, биз қуйида яна бир методдан фойдаланишни таклиф этамиз. Биринчидан, нима мақсадда аутентик матнлардан фойдаланилаётганини аниқ белгилаб олиш керак. (Бошқача айтганда, ўқувчи ушбу матн мисолида нимани ўрганиши керак?)

Иккинчидан, матн (асосида, устида) тўғри йўналишли стратегияни ишлаб чиқиш керак. (калит сўзлар, элементлар, воситалар ва ҳ.кларни топиш)

Бу ҳолатда матнга киритилган расм ва диаграммалардан фойдаланиш жуда муҳим саналади. Яна муҳим босқичлардан бири матн тилини анализ қилиш

хисобланади, чунончи, матнда қандай грамматик ҳодисалар рўй берган, шунингдек, матнда қайси мавзуларга тўхталганлигини кўриб чиқилади. Муайян бир матннинг муайян бир мавзу билан боғлиқлигини тушуниш қийин эмас. Мисол учун меню, рецепт, колория жадвали (таблица)си “Essen und Trinken” мавзуси билан боғлиқ. Яна мисол учун, янги фильм намоиши, кўргазманинг очилиши ҳақидаги эълон ҳам кундалик мавзу “Termine” билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатларда оригинал матннинг ташқи кўриниши, жиҳозланиши асл кўриниши, (ҳолати) бўйича сақлаб қолиш ниҳоятда муҳимдир: шрифт, устунлар ва бошқалар.

Баъзи ҳолларда матнларни асл нусхадаги кўриниши билан боғлиқ муаммолар вужудга келса, уларни интернет тармоғи ёрдамида ҳал этиш мумкин. Чунки, интернетда немис тилидаги маълумотлар мужассамлашган энг муҳим аутент матнларни чегарасиз топиш мумкин. Бу эса вақтинчалик масофани қисқартириш имкониятини беради. Ўлкашунослик ҳақидаги маълумотларни манбаси сифатида тармоқ ичидаги немис тилида кўрсатилган ахборотлар хизмат қилиши мумкин. Мазкур аутент матнлар ўз хусусиятига кўра халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришда қимматли материал ҳисобланади. Ва ушбу хусусиятдан келиб чиқиб, хорижий тил ўқитишда мазкур аутент матнлар катта аҳамиятга эга (унинг аҳамияти эътиборли ҳисобланади.)

“Mind map” методи

“Rund um Usbekistan ” дарслигида “Mind map” методидан дарс жараёнида янги сўзларни қўллашда фойдаланилади. Онгимизда ҳосил бўладиган тасаввур (хаёллар харитаси) фикрлаш(имиз)нинг бир тури ҳисобланади. Замонавий дарсликларда “Mind map”дан матн тузишда ёки реферат ёзишда, янги мавзу юзасидан сўзларни ёзиб олиш, ёдлаш ва мавзу юзасидан фикрларни тўплашда фойдаланилади.

Хўш, Mind mapping методи ўзи нима? Ушбу метод қандай амалга оширилади? Ўқитишнинг анъанавий усулида асосий эътибор талабага

юқори даражада ёрдам беришга қаратилган бўлиб, бу ҳолат талабанинг мустақил ишлаш кўникмасининг пасайишига олиб келади. Талабага бирор мавзу, муаммо ҳақида гапириш билан, ўқитувчи томонидан унинг ҳар бир гапини тўғрилаб туриш, бир дунё саволлар бериш тўғридек туюлади. Бўлиши мумкин, талабага бундай имконият берилганда, балки у бутунлай бошқача гапирарди, Ахир давра суҳбатларда, муҳокамаларда талабалар таяниб жавоб бериши учун ўқитувчи (унинг фикрича) калит (қулай) вазиятларни белгилаши кам учрайдиган ҳолатлардан эмас.

Шунингдек, талабаларнинг иншо ва баён ёзишларида ҳам ўқитувчи томонидан белгилаб берилган элементар жавоблар ва ўқитувчи томонидан тузиб берилган режага қатъий амал қилинади.

Берилган вазифани бажаришда талабага ҳам режа, ҳам саволлар таянч вазифани ўтайди. Талабалар учун эса, саволларга мустақил жавоб бериш имкониятигина берилади холос. Бироқ сўз ҳаммасини талабага ташлаб қўйиш ҳақидаги мустақиллик хусусида бораётгани йўқ. Лекин бошқача ҳолат ҳам борки, ўқитувчи талабаларга мавзунини ҳеч қандай тайёргарликларсиз, гапириб беришлари учун ўқитувчи берилган мавзу асосида маълумотлар базаси етарли деган хулосага таяниб эркин шароит яратиб беришга ҳаракат қилади.

Лекин қоидага биноан, ўрганилаётган мавзулар ўз маъносига кўра кенг қамровли бўлиб, озгина вақт ичида у мавзунинг барча жиҳатларини кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмас. Кўпгина ўқитувчиларнинг фикрича, анъанавий дарс турлари ўртача билимли талабага йўналтирилган бўлиб, ҳар бир талабанинг қизиқишлари, имкониятларини ҳисобга олиш ҳақиқатдан йироқ тушунча деб қаралади. албатта бунда талаба учун мавзу юзасидан бирор янгилик топиш (гарчи у қизиқарли бўлсада)дан кўра, “ўтилган” мавзунини ёзиб бериш ёки гапириб бериш осон туюлади.

Бу икки ҳолатда ҳам буткул мустақилликка эришишдан аввал (мазкур мустақилликка ҳеч қандай тайёргарликсиз), “ёрдам бериш” тамғаси остида – талабада мавзудан хабардор бўлишлик, ўзи учун асосийни танлай олиш,

муаммонинг ечимига ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, зўр ғояларни бериш, имкониятидан маҳрум бўлади.

Муаммолар ечими, мавзулар ҳақида четдан берилган вазифалар инсон учун фақат йўналиш вазифасини ўтайди, асосий мавзунини ёритиш, у ёки бу муаммони ҳал этиш йўллариини излаш – мустақил бажариладиган жараёндир. Энди талабаларни бундай мустақил ишлаш жараёнига қандай жалб этиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрсак?

Бизнингча, мазкур муаммони тўғри ҳал этишда “тафаккур харитаси” ёрдам беради.

Тафаккур харитасидан унумли фойдаланишда Mind map ишчи ва ижодий тафаккур (фикрлаш) инструменти ҳисобланади. Ва булар таянч нуқта сифатидаги фикрларни тўплаш, саралаш, режалаштириш, ривожлантирувчи, ассоциатив фикрлаш, муаммоларни ечиш ва саволларни тўғри қўйиш каби таянч тушунчаларнинг барчасига мос келади.

Бирор мавзу ёки муаммони ёритишда энг муҳим вазиятлардан бири ғоялар (фикрлар) хилма-хиллигини таъминлаш ҳисобланади. Ана шу ғоялардан танлаб олинган асосий фикрлар ортидан эса суҳбат тарзида фикрларни (уларни) асослаш ишлари олиб борилади.

Ғояларни излашда матннинг тузилиши, ҳикоянинг структураси, стил ва жиҳозланиш муҳим ўринда бўлмайди. .

Ассоциациялар исталган миқдорда давом эттирилади. Мавзуга алоқадор сўзлар дастлаб тўпланиб, калит сўзларга айлантирилади. Ушбу босқичда асосий сўздан четлашган ҳолда, ассоциация қаторларида мавзу очилади. Шундан кейингина гаплар тузилиб, ундан матн тайёрланади. Бош сўзни танлаш ҳал этувчи омил ҳисобланиши мумкин. Мазкур сўз образли, кайфиятга таъсир этувчи, сўзловчи ёки ёзувчи қизиқишларига ҳамоҳанг имкониятларни ўзида мужассамлаштирган, коммуникатив фаолият учун рағбат бўлиб хизмат қилиши керак. Муаммонинг ечимига худди шундай нуқтаи назар асосида ёндошилгандагина индивидуаллик, эркинлик ҳисси пайдо бўлади.

Мазкур метод фикрлаш жараёнини географик тасаввур асосида амалга ошириш имкониятини беради. Натижада (фикрларнинг, сўзларнинг) уларнинг сараланишини, тузилишини ва таҳрир қилинишини таъминлайди. Технологиянинг асосий тамойили фикрнинг визуаллигини таъминлаш – бу эса анъанавий тартибдаги бир текисда (қаторда) ёзишнинг инкори ҳисобланади.

Маълумки, хотира хариталари нейробиология тадқиқотлари асосида пайдо бўлган. Унда мия ярим шарлари назариясига мувофиқ, бош миянинг ярим шарлари бошқа-бошқа вазифаларни бажаради. Лекин уларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлаши жуда катта ижодий потенциални ташкил этади: фикрлар бирлашади ва шу билан биргаликда мия ярим шарларининг ўзаро муносабати фаоллашади. Mind map – тафаккур харитаси методи фикрлар, ғоялар, суҳбатларни хотирага “ёзиб” олишнинг содда технологиясидир. Сўзларнинг ёдланиши қоғоздаги тартибсиз кўринишдаги жойлашувда жуда тез ассоциатив тарзда содир бўлади.

Мавзу ҳар қандай ҳолатда ҳам кўриш учун қулай бўлиши учун қоғознинг марказига ёзилади. Ана шу ҳолатда биз марказдан четлашган ҳолатда мавзунинг барча йўналишлари бўйича суратларни кўриб чиқишимиз ёки нотаниш жойларни аниқлашимиз мумкин. Мазкур методдан фойдаланишнинг эътиборли жиҳати шундаки, фикрнинг визуаллигини таъминлашда қуйидагилар акс этади:

- бош ғоянинг аниқ-тиниқ белгиланганлиги,
- мавзунинг осон тушунилиши ва кўпгина тушунчалар, элементларнинг ўзаро очиқ-ойдин муносабатдалиги.
- Харита тўлдирилиши, кейинроқ қайта таҳрир қилиниши мумкин.
- Харита хотирада осон тикланади. Харита битта шахс ёки битта гуруҳнинг мустақил тайёрлаган маҳсулотидир.

Агар талабалар янги мавзунинг харита асосида тушунишни ўрганиб олсалар, улар келажакда ушбу методдан бошқа соҳаларда ҳам унумли

фойдаланадилар. Тафаккур харитаси шахснинг индивидуал имкониятларини очишга, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривожланишини ифодалайди.

Тафаккур харитасини тузиш учун қуйидаги боскилар кўриб ўтилади.

1. Мавзу досканинг, қоғознинг ўртасига ёзилади.
2. Талабалар мазкур мавзу юзасидан хаёлларига нима келса, ўйланмасдан ўша заҳоти айтадилар. Ўқитувчи фикрларни досканинг бир четига ассоциатив қатор тарзида жойлаштириб чиқади. Бу ерда талабанинг ҳар қандай цензурадан ҳоли, баҳоланмаган, кимнинг ғояси яхши, кимникидир ёмон деган фикрлардан йироқ ҳолатда унинг мустақиллиги аниқ кўринади.
3. Мавзу юзасидан ҳамма ўз сўзини айтиб бўлгандан кейин, калит сўзларни аниқлаш ҳақида хабар бериш мумкин.
4. (асосий) мавзудан тармоқлар чиқарилиб, уларга ҳам мавзуга оид калит (марказий) сўзлар ёзиб, ассоциатив қатор давом эттирилади.



5. ушбу калит сўзлардан чиқарилган тармоқларга юқоридаги барча ғоялар тартиб асосида жойлаштирилади. Ана шу пайтда талабалардан яна янги ғоялар пайдо бўлиши мумкин ва бу улар ҳам албатта ёзиб борилади. Агар ғоялар қатори танланган калит сўзларга тўғри келмаса, ушбу қатор учун дарҳол янги калит сўз топиш керак бўлади.

6. асосий ва кейинги (иккинчи даражали) тармоқлар рақамланган, ранглар билан ажратилган, белгилар ёки расмлар билан алмаштирилган бўлиши мумкин.

Тафаккур харитасидан фойдаланиш имкониятлари:

Матн билан ишлашдан аввал.

Машғулотларда матнни нафақат ўқиш, умумий фикрни тушуниш, асосийни фарқлаш каби вазифалар бажарилади, балки матнни сўзлаб бериш ҳам юқоридагилар қаторига киради. Бундай ҳолатларда тафаккур харитаси билан ишлашнинг қуйидаги методлари тавсия этилади:

1. Мазкур дарсликнинг ҳар бир бўлими бир нечта микроматнлар (кичик матнлар) дан тузилган бўлиб, талабалар ушбу матнларни кўриб чиқадилар ва рақамлайдилар.
2. Матнлар иккинчи марта ўқилади. Талабалар муҳим фикрларни белгилаб борадилар ёки калит сўзларни ёзиб борадилар.
3. дастлабки белгиланган тушунча ёрдамида биринчи тафаккур харитаси тузилади. Демак, мавзу – ўртада, белгиланган сўзлар унинг атрофига жойлаштирилади.
4. матн охириги марта ўқилади ва тафаккур харитаси калит сўзларни яна тармоқлаш асосида аниқлаб тўлдирилади.

Дарс бошида такрорлашдан аввал:

Иштирокчилар мавзу юзасидан ёдда сақлаб қолган сўзларини қоғозга ёзадилар. Шундан кейин қоғозлар йиғиб олинади ва тафаккур харитаси тузилади. Харита синф хонасига осиб қўйилади.

Вариантлар: талабаларнинг ҳар бирида қоғоз ва қалам бўлган ҳолда бирор мусиқа ритмига мос тарзда ҳаракатланадилар. Ҳар сафар мусиқа тўхташи билан мияларига нима келса, ҳамма фикрларни ёзадилар. Кейин фикрлар бирлаштирилиб умумий харита тузилади.

Мавзунинг киритишдан олдин:

Ҳар бир гуруҳ столига ўртасига мавзу ёзилган қоғоз биттадан қўйилади. Талабалар ярим дақиқа ичида фикрларига ана шу мавзу билан боғлиқ қандай ғоя келса ҳаммасини ёзадилар. Кейин ғоялар тартибланиб, ўзларининг тафаккур хариталари тузилади. Кейинчалик ҳар бир гуруҳ харитаси асосида умумий катта харита ҳам тайёрлаш мумкин.

Қуйидагилар учун тил материалларини тўплашга оид.

- Мавзунинг муҳокамаси
- Дискуссия – музокара
- Диалог тузиш

- Интервью
- Иншо ёзиш

Шуни айтиш жоизки, харитага киритилган барча сўзлардан фойдаланиш шарт эмас. Талаба харитага кўз югуртириб чиқиш орқали бирор бир қаторни ёки унинг қизиқишлари, ҳис-туйғуларига ҳамоҳанг ва айти пайтда қандайдир қайғуриш ҳисларини чақирувчи сўзни танлаши ҳам мумкин.

Тафаккур харитаси билан ишлашнинг дастлабки босқичида талабаларнинг одатда ўз ўй-хаёлларини ички сабаблар туфайли ўз-ўзидан эркин юзага чиқариш ҳолатига тайёр бўлмасликлари натижасида айрим муаммолар келиб чиқиши мумкин. Хорижий тил ўқитишда бундай вазиятнинг чиқиш йўли сифатида қуйидаги машқни бажаришни таклиф этамиз.

1. Битта талаба қўлида тўпни ушлаган ҳолатда бирор сўз айтади (масалан, нонушта) ва тўпни бошқа талабага узатади. Иккинчи иштирокчи ҳам ассоциатив қаторга мос сўзлар айтади (масалан, уйғонмок, бутерброд ва ҳ.к.) кейинги иштирокчи талаба ҳам охирги сўз учун ассоциатив сўзлар қаторини тузишда давом этади.
2. Гуруҳдаги ҳар бир талабалар учун битта сўз ёзилган қоғоз тарқатилади. Ва талабалар онгида шу сўз билан боғлиқ қандай сўзлар бўлса иккиланмасдан, ўйланмасдан ёзилади. Талабаларда ўша сўз билан боғлиқ ассоциатив қатор тугагач, қоғозлар соат стрелкаси бўйлаб алмаштирилади. Шу тартибда ассоциатив қаторларнинг охирги қисмигача ёзиш иши давом эттирилади.
3. Қийин сўзлар қаторини тузишда дастлабки ассоциациянинг тугаган қисми кейинги сўз учун асос вазифасини ўтайди.

Чет тилини ўқитиш жараёнида реал мулоқот муҳитини яратишда, шунингдек, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда мазкур методдан фойдаланиш жуда катта амалий қийматга эга. Бундан ташқари ушбу методнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчининг талабалар билимини “четртиб туриш” ёки “мажбуран суғириб олиш” ҳолатларига бошқа эҳтиёж

сездирмаслик, бирор янгилик топиш учун ўқитувчининг талабаларнинг бечора фикрларига иложсиз кўникишига ўрин қолдирмайди.

Тафаккур харитаси – бу маълумотни хотирада олиб қолишнинг энг уникал ва содда технологиясидир. Мазкур методнинг муаллифи, машҳур психолог Тони Бьюзеннинг таъкидлашича, ҳар бир инсон, агар ўзи истаса, жуда катта миқдордаги ҳар қандай маълумотни ёдда олиб қолишдек ғаройиб хусусиятга эга! Лекин бунинг учун киши ўз хотирасидан тўғри фойдаланишни билиши керак. Тафаккур харитаси – атрофлича фикрлаш жараёнининг график кўринишидир. Шунинг учун бу ҳолат инсон мия фаолиятининг ишлаши учун табиий туртки ҳисобланади. Бу қудратли визуал (хаёлий) метод бўлиб, ҳар бир кишининг мия фаолиятини кенг потенциалда ишлаши учун энг яхши умумий калит ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатдики, шунингдек, ушбу методдан хорижий тилларни ўқитишда, шахсий интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш талабини (таълим олдимизга қўйган турли вазифалар, муаммоларни ҳал этишда) фойдаланилади.

Олимларининг кўрсатмаларига кўра Mind map методнинг тўртта жиҳати мавжуд:

1. объектнинг эътиборлилиги, ўрганилаётган мавзунинг диққат марказда эканлиги;
2. асосий мавзу ва фикрларнинг диққат маркази билан боғлиқлиги ва ғоялар давомийлигини таъминлашда марказдан узоқлашиб бориш;
3. тармоқлар воситачи вазифасида ҳар бир қатор учун асосий босқич ҳисобланаверади ва калит сўзларни тушунтириб боради. Кейинги қатор ғоялар ҳам тармоқлаш кўринишида давом эттирилади;
4. тармоқлар структура аъзоларини бириктириб, системани ҳосил қилади.

Mind map методининг сифати ва афзаллигини оширишда турли ранглар, расмлар, символлар (белгилар), аббревиатурлар (қисқартма сўзлар) ёрдамидан фойдаланиш мумкин; Шунингдек тафаккур харитасининг оригиналлигини, қизиқарлилигини, эффективлигини, жалб қилиш

имкониятини ошириш учун чуқурлаштирилган ҳолда уч марта ишлаб чиқиш даркор. Бу эса келгусида бизнинг ижодкорлик қобилиятларимизни янада ривожлантиришга, фикрларни бошқара олишимизга, харита тузиш ва ундан фойдаланишимизга хизмат қилади.

Mind map бизга (харитадан фойдаланмасдан аввалги ҳолат) дастлабки маълумотларни ёдда сақлаш ва уларнинг ҳажмига кўра сақлаб қолиш қобилиятлари орасидаги фарқларни тушунтиришга ёрдам беради.

Маълумотларни эффектив сақлашда тафаккур харитаси ассоциатив каторларнинг ўзлаштирилиш ва осон тушунилишини билдиради.

Ва сиз қанчалик кўп маълумотларни шу тарзда каторларга жойлаштирсангиз, сизнинг хотирангиз ва ўзлаштиришингиз, интеллектингиз шунчалик кучли бўлади.

Mind map – бу визуал кўринишдаги маълумотлар тизимининг структураси ёки фикрлаш жараёнининг намоёйиши учун қулай техника ҳисобланади.

Тафаккур хариталари турли мақсадларда тузилиши мумкин:

Қандайдир масалани аниқлаштириш, маълумотларни тўплаш, қарор қабул қилиш, қийин материалларни ёдда сақлаб қолиш, билимларни талабаларга ёки ҳамкасбларга тақдим этиш ва б. қўлланади.

Бироқ интеллект–хариталарни тузиш ва улардан фойдаланишнинг фарқига яхши бориш учун, аввало уларнинг фикрлаш жараёнининг намоёйишини кузатиш учун қўллашдан бошлаган маъқул. Тафаккур харитасидан бошқа кўплаб турли зарурий вазиятларда: ўқиш ва таҳлил қилишда, ўқиш ва ўйлашда фойдаланиш мумкин. Ёдда сақлаб қолишни, қайдлар ва маърузарни ёзма равишда олиб боришни, иншо, курс иши, диплом ишиларни ёзишда, имтиҳонларда чиқишлардан аввал фикрлаш ва диққатни бир ерга тўплаш учун ўрганилади.

Профессional фаолиятларда:

Режалаштиришда, алоқа ўрнатишда, мактублар, хатларни ёзма равишда алмашишда, таҳсил олишдан аввал, интервью олиш ва беришда, аттестация ва ақлий хужумлар. Тафаккур харитасида фойдаланиладиган ушбу барча

воситалар вақтнинг тежалишини таъминлайди, фикрнинг ёрқинлиги ва фикрлаш даражасининг унумдорлигини кўтаради. Асосий мавзуга эътиборни жалб қилади.

Коммуникатив кўникмалар

Ушбу дарсликда асосий эътибор сўзлашув кўникмаларини эгаллашга қаратилади.

Ушбу метод билан боғлиқ саволларга жавоб топишда сўзлашув нутқини тавсифлаш зарурат туғдиради.

Немис тилида сўзлашув нутқи нимаси билан характерланади?

Унинг қайси жиҳатлари чет элликлар томонидан биринчи навбатда ўрганилиши керак? Шу ва шу каби масалаларни бирданига ҳал этиш имконияти мавжудми?

Мазкур дарсликда бош мақсад қилиб – немис тилининг сўзлашув нутқида фойдаланиладиган юкламаларларнинг ўзбек тилидаги муқобилини (альтернативини) топиш масалалари қўйилган.

Маълумки юкламаларлар (тор маънода) немис тилида ўзгармас (флектив кўшимчалар ёрдамида шаклланган) сўзлар ҳисобланади. Шунингдек улар предлоглар ҳам эмас, равишлар ҳам эмас. Юкламаларлар сўзловчи шахсининг гапга ўз муносабатини ифодалайди. В.Руганинг фикрича, нутқ бирлиги (баъзилар уни модал бирликлар деб атайдилар) сўзлашув тилининг элементлари ҳисобланади. Улар нутқда жонли, субъектив, эмоционал таъсир кўрсатади. Шунингдек, одатда юкламаларлар суҳбат жараёнида кўпроқ, хат ёзишмаларида баъзан, расмий матнларда эса жуда кам қўлланилади.

Юкламалар кундалик сўзлашув нутқининг ягона белгиси бўлмасада, Ҳ.Вайднинг фикрича, немис тингловчиси одатда нутқий вазиятда юкламаларлардан фойдаланишни кутади. Немис тилида нутқ юкламаларлари алоҳида аҳамият касб этмайди, лекин улар шундай таъсир ўтказадилар,

айтилган фикрлар аниқ кўринишда: дўстона, қизиқарли, кўпол ва б.ш қабул қилинади. Улар сўзловчининг мақсади, қизиқиши, нуқтаи назарини, ҳиссиётларини ифода этади. Шунинг учун улар суҳбатдошга (тингловчига) муҳим сигнал ҳисобланади. Бир турдаги чистицалар баъзан турлича маъно ифодалаши мумкин. Мисол учун, “aber” юкламаларсини кўриб чиқайлик. Маълумки немис тилида бир турдаги юкламалар турли аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Du bist aber groß geworden! Ушбу ҳолатда “aber” юкламаларси эҳтимоллик (кутилмаганлик) ҳолатини ифода этади: эҳтимоллик реалликдан фарқ қилади. Бошқа бир гапда эса, Das ist aber nett von dir. Гапдаги “aber” оладиган урғуга қараб, гап мантиғида “aber” ё кесатик, пичинг маъносини ёки мақтов маъносини англатади.

Немис тилида юкламаларлар ҳақида гапира туриб Криванов А.Т. шуни таъкидлайдики, баъзи юкламалар ва равишларни қўллаганда, гумон, тахмин, ишончсизлик, иккиланиш ва ҳ.к маъно фарқларини ифода этиб, асли сўроқлик белгиларига эга бўлмаган гапларнинг ҳам сўроқ маънода келишини таъминлайди.

Хуллас, буларнинг ҳаммаси юкламаларлар учун ниҳоятда характерли ҳисобланади. Мисол учун,

Wem hilfst du denn? Hast du das etwa vergessen ?

Was wird er wohl sagen?

Олмошларсиз тузилган сўроқ гапларга жавоблар барча имкониятлари билан биргаликда гумон, тахмин, иккиланиш, шубҳаланиш, ишончсизлик, умидворлик, тасдиқ каби маъно турлари билан биргаликда тўғридан-тўғри тасдиқлашдан тортиб, тўлиқ инкор қилишдек катта диапазонга эга бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолатларда улар қуйидагича бўлади: *ja, jawohl, natürlich, gewiss, bestimmt, unbedingt* ва б. Бошқа ҳолатларда эса, яъни рад қилиш, рози бўлмаслик, инкор этиш ва б. Жавоб қуйидаги сўзлардан тузилиши мумкин:

nein, kein, keinesfalls, in keiner Weise, doch (инкор саволларда) ишлатилади.

Баъзан юкламаларлар ёрдамида тузилган саволлар немис тилида

хушмуамалалик, илтимос ва кинояли бўёқдорлик акс эттириши мумкин.

*Dürfte ich wohl jetzt gehen? Du hast wohl wieder mal alles
vergessen, was du dir vorgenommen hast.*

Худди шундек, сўзловчининг фаолиятига муносабатни ифода этиш учун немис ва ўзбек тилларида ҳам турли воситалардан фойдаланилади. Бунда ҳақиқат ва ишончли ифода этишда қуйидаги сўзлар ишлатилади: дарҳақиқат, ҳақиқатдан, албатта, шубҳасиз. Иккиланиш маъноларини эҳтимол, шекилли сўзлари билдиради. Немис тилидаги юкламаларлар, ўзбек тилидаги модал сўзлардек ўзгармайди ва гапга алоҳида маъно қўшади.

Ўзбек тилида модал сўзлар ўз аҳамиятига кўра иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. фикр ёки ҳаракатнинг ҳақиқийлиги ёрдамида акс этувчи модал сўзлар: албатта, шубҳасиз, ҳақиқатдан, дарҳақиқат, ростдан, ўз-ўзидан, сўзсиз.
2. ифодаланган фикрга нисбатан ишончсизлик маъносини ифодаловчи модал сўзлар: эҳтимол, шекилли, балки, афтидан, ҳойнаҳой, чоғи, чамаси.

Шунингдек, ўзбек тилида модал сўзлар синоним қаторни ҳосил қилади.

Чамаси – балки – афтидан,

Албатта – шубҳасиз – сўзсиз,

Табиий – ўз-ўзидан,

Аслида – ҳақиқатдан – дарҳақиқат.

Синоним модал сўзлар нафақат ўз аҳамиятига кўра, балки улардан нутқий вазиятда қўлланилишига қараб ҳам фарқланади. *Шекилли* сўзи гапнинг охирида келса, *балки* модал сўзи гапнинг бошида, ўртасида, охирида ҳам келиши мумкин: “Туноҳларини обдон ўйлаб олсин, деб чақирмаётгандир балки”. “Балки унутгандирман....”

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, немис тилидаги юкламаларлар англатган маъно аҳамиятига кўра ўзбек тилидаги модал сўзларга жуда ҳам

яқин туради. Таржималарни бир тилдан иккинчи тилга сифатли тарзда амалга ошириш учун бу мавзулар талабалар томонидан батафсил ўрганилмоғи лозим.

Миллий истиқлол ғояси

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан жамиятни демократлаштириш жараёнида (шароитларида) ёш авлодни юксак ҳуқуқий онгли қилиб тарбиялаш ва уни мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига жалб этиш ғояси муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, коммунизм ғояси, марксизм-ленинизм мафкураси давлатнинг миллий мафкураси сифатида қўллана олмайди. Шахснинг ривожланишида фикрлар эркинлиги жуда катта конституциявий шароит яратилмоқда.

Ғоявий сиёсий тарбия — ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланган бўлиб, бу талабаларнинг, келгусидаги ўқитувчиларнинг мустақкам ғоявий сиёсий онгли ижтимоий фаоллиги учун йўналтирилган бўлиб, бу ғоялар ёш авлодни ватанга муҳаббатли, билимга интилувчан қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Ишончли одатий билимлар билан адаштирмаслик керак. Маълумки, ғоявий ишончлилик — бу шахсий ички кечинмаларга таянадиган билимдир. Талабаларда ғоявий мустақкамликни ривожлантиришда аввало талабаларга илмий билимлар ва миллий қадриятларни улар ўзи ишонадиган ҳақиқат асосида етказиш даркор. Ғоявий - сиёсий тарбиянинг бир жиҳати ўсмир ёшларни бошқарув сиёсати тушунчаси билан тарбиялаш ҳисобланади. Педагогика олий ўқув юртларидаги талабаларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаш жараёнида мутақил мамлакатимизнинг сиёсат соҳасидаги қатор вазифалари ҳал этилади. Шундай муҳим вазифалардан бири бу мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатига оид масалаларга қизиқиш уйғотиш ҳисобланади.

Чет тили ўқитувчиси муайян бир мавзу юзасидан тайёргарлик кўрар экан ўқув материали билан биргаликда дидактик материаллар дарснинг мақсади ва тарбиявий вазифаларни аниқлаб таҳлил қилади. Мисол учун “Politik und Gesellschaft”, “Staatsaufbau in Usbekistan” и “Wahlsystem in Usbekistan” мавзулардаги дарслар учун қўлланмаларни беришдан аввал биринчи ўринда талабаларнинг маълумотларни идрок қилишини таъминлаш керак.

Бунинг учун немис тили дарсларида гуруҳларда ишлаш жараёнида талабаларга Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ва давлат тузилишини схема тарзида тасвирлаш вазифаси топширилади. Гуруҳларда бажарилган ишлар натижасида эса қуйидаги Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти схемаси пайдо бўлади.

Чет тили дарсларини режалаштиришдан аввал ўқитувчиларга қуйидагиларни таҳлил қилиб олиш тавсия этилади.

- Машғулот тури, масалан, ролли ўйинлар,
- Мақсадлар, масалан, барча гуруҳларнинг ўқув мақсади
- Маълумотларни киритиш

Талабалар таълим олаётган соҳасида қандай вазифаларни бажаришлари керак, бажара оладилар ва бажарадилар:

Дарс чет тили (иккинчи тил) да олиб борилаётган пайтда а) бирор вазиятдаги қайси бир мақсадга эришиш учун ролли ўйинлар, суҳбат иштирокчиларининг имкониятларини ҳисобга олиш

Тажриба шуни кўрсатдики, таълим беришда энг серунум воситалардан бири талабаларнинг ўзи рол ижро этсалар, масалан олий мажлис депутати роли, қонун лойиҳаларини ўзлари ишлаб чиқиб ўзлари муҳокама қилсалар ва юқори палата сенатга тақдим этсалар, кейин президент уларни тасдиқлайдиган гуруҳларда ишланадиган ролли ўйинлардир. Бунинг учун уларга қуйидаги иборалардан фойдаланиш таклиф этилади.

Entscheidung begründen(обосновать принятое решение):

Der erste Vorschlag gefällt mir gut, weil ...

Obwohl mir persönlich ... besser gefällt, ...

Schließlich ...

Ўқитувчи чет тили дарсларига тайёрланиш давомида талабалар учун биринчи марта учрайдиган янги сўзларни танлаб олади: wählen, ernennen, bestätigen, das gesetzgebende Organ, Legislative, Exekutive ва уларни тушунтириш методикасини ўйлаб кўради.

Чет тили ўқитувчисининг бош вазифаси талабаларнинг ушбу мавзуга оид билимларидан фойдаланиб уларни чет тилида гапиришга ўргатиш. Кутилган билимларнинг етарли бўлмаслиги дарс жараёнидаги қийинчиликлардан бири ҳисобланади. Чет тили ўқитишда ўқитувчининг талабалар билан сиёсий йўналишда узлуксиз (системали) равишда ишлаши талабаларда сиёсий билимларнинг, тушунчаларнинг чуқурлашувини, ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётига қизиқишларининг ортишини таъминлайди. Ўқув жараёни, ўқитишнинг асосий қонунидан четлаган ҳолда, ўқитувчи ва талаба ўртасида ўзаро иккита тарафлама қайта алоқа қилиш фаолиятини ташкил этади ва ҳар икки тарафдан ҳам ушбу фаолият алоҳида билим ва кўникмаларни талаб этади.

Чет тилини ўқитишда она тили роли

Маълумки, ҳозирги кунда маданиятлараро мулоқотни олиб бориш учун ўзга тилнинг оғзаки нутқни ўрганишига алоҳида эътибор бериларди. Чет тилини ўрганишнинг самарали усулларида бири қиёсий ёндашувдир.

Бир составли гапларни иккала тилда ўрганиш соҳасида эришилган бой тажрибадан танқидий фойдаланиб, Тажриба шуни кўрсатадики немис тилидан ўзбек тилига гаплар ўгирилганда гап тузишда талабалар кўп хато қилади. Хатолардан бири немис тилидаги икки составли гапларни бир составли гаплар орқали беришдир.

Масалан, ўзбек тилидаги: “Баҳор” гапни талабаларимиз : “Frühling” деб таржима қилади.

Иккинчи хато: талабалар берилган саволга тўлиқ жавоб бериши:

“Wie alt sind Sie?” саволга талабалар: ”Ich bin 18 Jahre alt” тўлиқ жавоб беради.

Мана шунинг учун ҳам биз бу масалани мақоламизнинг мақсади қилиб олдик: немис тили оғзаки нутқидаги бир составли гаплар хусусиятлари билан ўзбек тилидаги бир составли гаплар билан қиёслашдир.

Мазкур мақолада гапнинг тузилиш структурасига, шу жумладан бир составли гапларнинг хусусиятлари, иккала тилда қўлланадиган гапларнинг ўхшашликлари ва фарқли томонлари алоҳида тўхталиб ўтилади.

Маълумки, немис тилида асосан икки составли гаплар қўлланилади. Бундай гапларда эга ва кесим бўлиши зарурлигини дарсларда ўргатилиши табиий. Лекин немис адабиёт ва изланишлар билан яқиндан танишганимизда немис тилида бир составли гаплар **оғзаки нутқда** кенг қўлланилиши маълум бўлди. Бу тўғрисида В.Д.Девкин атрофлигича маълумот бериб, немис тилидаги бир составли гапларни шу гапларда иштирок этган гап бўлагига қараб қуйдаги турларга бўлади:

1. Субстантив гаплар(от гаплар).
2. Сифат ва равиш гаплар.
3. Феъл гаплар.
4. Сифатдош гаплар.
5. Инфинитив гаплар

Ўзбек тилида ҳам бир составли гаплар бадий публицистик **сўзлашув** услубларида кучли восита сифатида қўлланилиши таъкидланади. Шу жумладан И.Расулов бир составли гапларнинг адабий тилида қўланишини ҳақида айтганда айрим ўринларда нутқ материалларидан факт сифатида фойдаланади.

Ғ.Абдурахмонов ўзбек тилидаги бир составли гапларни қуйдаги турларга бўлади:

- 1) Шахси номаълум гаплар.
- 2) Шахси умумлашган гаплар.
- 3) Шахссиз гаплар.

- 4) Инфинитив гаплар.
- 5) Атов гаплар.
- 6) Сўз гаплар.
- 7) Ҳис-ҳаяжон гаплар.

А.Шомақсудов бир составли гапларнинг стилистик хусусиятларга тўхталиб, нутқда **шахси аниқ ва ноаниқ** гаплар кенг қўлланилишини айтиб ўтади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги бир составли гапларнинг баъзи турлари немис тилида ҳам бир составли гаплар ва баъзилари эса икки составли гаплар орқали ифодаланади. иккала тилда сўзлашув услубида содда, ихчам гаплар кўп қўлланилиши таъкидланади.

Бу гапларни хусусиятлари билан яқинроқ танишсак қуйидагилар маълум бўлади:

1. Маъно ва структураси жихатидан иккала тилда ўхшаш гаплар бу ўзбек тилида **сўз-гаплар** ва немис тилида **субстантив гаплар** дир. Бундай гаплар қуйидагиларни билдиради:

а) тасдиқ ёки инкорни:

Ҳа, дуруст, тўғри

Ja, gut, stimmt

б) сўроқни:

Шунақами, ростданми?

Stimmt? Nicht wahr?

в) расм-одатни:

Хайр, марҳамат, салом, ассалому алайкум

Auf Wiedersehen! Bitte! Hallo!

г) Ҳис, туйғуни:

Қисмат, тақдир.

Schicksal.

Уят!

Schande!

Иккала тилда бундай гаплар сўзловчини тасаввурдаги предмет ёки ходисани ифодалаб маҳсус оҳанг билан талаффуз қилинади.

Субстантив гапларнинг бош бўлаги нафақат бош келишиқда, балки тушум, қаратқич ёки ўрин-пайт келишиқларда ҳам келиши мумкин.

Дўстларсиз?

Ohne deine Freunde?

Оби-хаво туфайли.

Wegen des Wetters.

Немис тилида бундай гапларнинг хусусияти олдинги гапларни маъно жихатдан тўлдириб келишдир. Субстантив гаплар кўпроқ берилган саволга жавоб тариқасида айтилади:

Was willst du kaufen? - Milch.

2. Ўзбек тилидаги **шахси номаълум** гаплар немис тилида икки составли гап орқали ифодаланади:

Бу ерда чекилмайди.

Hier darf man nicht rauchen.

ёки

Hier raucht man nicht.

Бу мисолда ўзбек тилида иш-харакатни бажарувчи шахс грамматик жихатдан ифодаланмаса немис тилида бажарувчи шахс вазифасини **man** гумон олмоши бажаради.

Юқорида айтилган мисоллар каби ўзбек тилидаги бир составли атов гапларнинг фақат бир бош бўлаги бош келишидаги от бўлса, немис тилида бундай гаплар икки составли **es шахсиз** олмошли ва кесим вазифасида **sein** феъли қўлланадиган гапларга мос келади:

Баҳор.

Es ist Frühling.

3. **Инфинитив гаплар** немис ва ўзбек тилларда мавжуд бўлиб, уларнинг бош бўлаги инфинитив шаклидаги кесимдир.

“Аммо, болалар, соат тўртга етиб келиш.”

Ўзбек тилида бундай гаплар асосан:

а) хайратланиш, ажабланиш:

Ажаб. Ўз уйини ташлаб кетиш!

б) норозилик, ғазабланиш:

Вояга етмаган қизни ерга бериш!

в) шарт:

Ким олдин етиб бориш!

Иккала тилда ҳам инфинитив турли сўз туркумлари билан кенгайиб келиши мумкин.

Аммо, болалар, соат 4га етиб келиш!

*Darum, Kameraden, nicht die
Sache vernebeln und die
Entscheidung verfälschen.*

Немис ва ўзбек тиллардаги бир составли гапларнинг доираси ҳақида юқорида қайд қилинган мулоҳазалардан шундай хулосага келдик:

немис тилини ўзбек аудиторияда ўргатганда ёки дарсликлар яратганда немис тилида ўзбек тили каби бир составли гаплар мавжудлиги ва уларни ўртасида фарқи борлигини алоҳида айтиб ўтиш ва махсус машқлар бажарилиши зарур.

Бадий адабиётларни қўллаш имкониятлари

Муайян мавзу асосида дарс ўтишга тайёргарлик кўраётган чет тили ўқитувчиси ўқув материални дидактик жиҳозлар билан биргаликда таҳлил этиб дарснинг мақсад ва вазифаларини ўйлаб кўради.

Дарснинг тарбиявий мақсади ўқув материали асосида юзага чиқади.

Маълумки, чет тили ўқитувчилари одатда дарс учун чет тилидаги матнларни танлаб фойдаланиладилар. Аутентик матнлар ва шунга ўхшаган бошқа матнлардан талабанинг сўзлашув нутқини ривожлантириш ва луғат бойлигини оширишда фойдаланадилар.

Мазкур дарслик муаллифлари методик имкониятларни асослашга ҳаракат қилиб ўзбек тилидаги А. Қаҳҳор ҳикояларидан фойдаланганлар. Бундан кўзланган асосий мақсад, чет тилида нутқий кўникмаларни ривожлантиришда ва келажакда улардан фойдаланиш мумкинлини намойиш этишни тушунтиришдир. Чет тили дарсларида талабалар ўз она тилларидан фойдаланишлари мумкинми?

Ушбу саволга замонавий методистлар ижобий жавоб бермоқдалар. Маълумки, А. Қаҳҳор ҳикоянавис бўлиб, тез-тез сахна кўринишлари учун

асарлар ёзган. Унинг ижодий қиммати шундаки, асосий кичик ҳикоялар, тарихий шахслар, одамларнинг кундалик ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар асосида ёзилганлигидадир. У қанчалик ўз ҳикояларини тасвирламасин, барибир реал ҳақиқатни намойиш этади. Ёзувчи ўзи тасвирлайдиган – шаҳар, воқеа-ҳодисалар одамларни ўз бадиий ифодалари билан ёритади.

Ёзувчи тили унинг ижодий фантазияларини ифода этар экан бу ҳолат тез-тез метафора (кўчиш) усулида кўринади. Бизнингча айнан мана шу ерда чет тили ўқитувчисининг ижоди учун катта имконият мавжуд.

- Кичик сахналарда сахна кўринишларини ишлаб чиқиш
- Фикрни расмлар ёрдамида ифодалаш
- Немис тилида ўзбек тилидаги матннинг умумий маъноси асосида параллел матн тузиш.

Масалан, “Шаҳар” мавзусини ўтишдан аввал ўқитувчи А. Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” (123 бет) китобидаги революциядан кейинги Қўқон шаҳрининг ҳолатини, кўринишини маҳорат билан тасвирлаган парчадан фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, А. Қаҳҳор ҳикоялари асосида қуйидаги машқлар берилиши мумкин.

1. Ҳикоядан парчани ўқинг ва тагига чизилган сўзларнинг ўзбек ва немис тилидаги ўзига хос ўхшашларини топинг:

уйлар – *Häuser*
дўконлар – *Geschäfte*
масжид жоме – *Jome-Moschee*
кийим-кечак – *die Kleidung*,
идиш-товоқ – *das Geschirr*
кўрпа – *die Decke*
тахта ёғоч – *das Holz*
харобалар – *die Ruinen*
қуйган – *verbrannt*

2. Парча асосида расм чизинг.

3. Ўзингиз яшаётган шаҳар билан солиштиринг.

Чет тили дарсларида нутқий кўникмаларни шакллантириш жараёнида муҳокама учун қийинчилик туғилган пайтларда юқоридаги машқлардан фойдаланиш анча самара беради. Чунки ҳикоя муаллифи қисқа гаплардан фойдаланган бўлиб, буларни немис тилига таржима қилиш осон ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, гуруҳларда ишлаш асосида машқларни бажариш машғулотнинг сифат ва самарадорлигини оширади. Матн устида ишлаш жараёнида ўқитувчи ҳар бир гуруҳга (энг камида иккита гуруҳ) яқинлашиб вазифани бажариш юзасидан маслаҳат беради. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ доскага чиқиб ишларининг натижаларини немис тилида тақдимот қилади. Шунингдек расмлар тушунтирилиши ҳам немис тилида олиб борилади.

Ҳикоялар материаллари талабаларнинг ахлоқий жиҳатдан тўғри тарбияланишларига кўмаклашади.

Социалингвистик компетенциясининг ривожланиши

Инсон умри давомида ижтимоий субъект бўлгани боис у турли-туман ижтимоий гуруҳлар билан алоқага киришади. Буларнинг барчаси индивиднинг ўзига хос таъсир кўрсатади.

Маданиятлараро ёндошув асосида чет тилини ўқитишнинг бош вазифаси ўрганилаётган тил фани маданиятдан фойдаланиши натижасида шахсда ўзликни англаш ва уни ривожлантиришда ижобий омил ҳисобланади.

Маълумки, мулоқот асосида вазифаларни бажаришда талаба ўзининг умумий имкониятларидан келиб чиқиб, ўзида тилшунослик, прагматика, шунингдек социалингвистика компетенцияларини қамраб олган тил кўникмаларидан фойдаланади.

Бунда ижтимоий муносабатларнинг тилга оид жиҳатлари: хушмуомалалик қоидалари, халқ ҳикматларининг ифода этилиши, мулоқот кўникмалари, шевалар ва акцентлар кўриб чиқилади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади социолингвистика соҳасининг ривожланиш имкониятларини “Хорижий тил билан шуғулланишда умумевропа компетенцияси” асосида яратилган немис тили “Rund um Usbekiston B1” дарслиги асосида кузатиш ва таҳлили қилишдир.

Тажриба ҳам шуни кўрсатмоқдаки, хушмуомалалик қоидалари одамларнинг “кооперациялашуви” тамойилидан чекинишларининг бир сабаби ҳисобланади.

Айнан миллий специфик хушмуомалалик қоидаларини билмаслик турли тил ташувчилари ўртасида тез-тез тушунмовчилик ҳолатларини келтириб чиқаради.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, “Rund um Usbekiston” дарслигининг муаллифлари “Musik” мавзусига киришдан олдин қуйида келтирилган мисоллар кишини завқлантирадиган, руҳлантирадиган ундалмалардан фойдаланилган гап хушмуомалалик қоида­сига мисол бўлади.

Spitze, sehr gut! Die Musik ist **super**.

Das Konzert – **schön!**

Die Solistin – **einfach toll!**

Wie findest du das Konzert? – **Spitze**.

Wie findest du Mozart? – **Sehr gut**.

“Кийим” мавзусини муҳокама қилишдан аввал юқоридаги саҳифаларда берилган ундалмали ибораларга яна янги завқлантирувчи ундалмали иборалар қўшилади.

Мисол: “Der rote sieht **super** aus. **Todschick**.

Der Schnitt ist sehr **ausgefallen**.

„Na ja, besonders ausgefallen ist er nicht, aber **hübsch**.

Ich finde das Kostüm **toll**.

Социолингвистиканинг яна бир муҳим компоненти шундаки, у халқнинг бир неча асрлик тажрибалари асосида пайдо бўлган ва уларнинг маданиятини яратишдаги энг муҳим жиҳатларни ўзида акс эттирган ижтимоий маданият компетенциясини ифодалайди. Ушбу ифодалардан одатда, нутқда (м-н, газета сарлавҳаларида) жуда кенг фойдаланилади. Улар: мақоллар, иборалар, маталлар, алоҳида белгилар, граффитлар – ёзувлар, футболка ёзувлари, тулукўрсатувлар ва турли плакатлардан ёдлаб олинadиган иборалардир. Иборалар ва мақоллар билан танишиш бироз кейинги босқичда давом этиши мумкин. Масалан, турли матнларни ўқиб бўлгандан кейин (асосан бадиий адабиётлардаги матнларни).

Келинг, Петер Щютнинг ““Die Schwarzfahrerin” хикоясида фойдаланилган ибораларни кўриб чиқамиз. Атига икки бетгина ёзилган қисқа хикояда немис тилининг сўзлашув нутқини бойитадиган кўплаб хилма-хил ибораларни учратиш мумкин. “*die Butter vom Brot wegkratzen,*

jemandem in die Quere kommen,
jemandem aus der Patsche helfen,
Das kommt nicht in die Tüte!“

“Компетенция муаллифларининг фикрича” социал лингвистик компетенция ўзида инсоннинг

- Ижтимоий келиб чиқиши
- Яшаш жойи
- Иш тури

нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда унинг тилдаги аҳамиятли жиҳатларини ўрганади.

Бундай аҳамиятли жиҳатлар тилнинг барча қатламларида кузатилади.

Масалан: Лексикада

Грамматикада

Фонетикада

Сен олмошининг ишлатилишига кўра: Сан – шаҳар лаҳжасида
Сен – қишлоқ лаҳжасида.

Паралингвистика

Тил ишоралари

Шундай қилиб, чет тили дарсларини режалаштиришдан олдин, шунингдек мазкур дарсликни яратишдан аввал қуйидаги саволлар таҳлил этилган.

Талаба қандай тил шакллари а) билиши ва тушуниши керак

б) келажакда Европада таҳсил олганда чет тилини қўллай олиши керак.

Тил ташувчиларининг нутқида алоҳида белгилар ёрқин акс этади.

“Компетенция” муаллифларининг фикрича, талабалар энг аввало хушмуомалалик нормаларининг кенгроқ тарқалган жиҳатлари билан таниш бўлишлари керак.

Грамматик компетенция

Маълумки, тил билан шуғулланиш жараёнида мулоқат қилиш билан боғлиқ машқларни бажаришда, талаба ўзининг тил сатҳидаги битта асосий лингвистик компетенция ҳисобланади. Мазкур бўлимнинг асосий масади – грамматик компетенцияни таъминлашдир. (жойлаштиришдир) Грамматик компетенция ўзида мазкур тил қоидалари асосида қурилган маълум бир фикрни, сўз ёки гап шаклида тушунишни ва ифода этишни мужассамлаштиради. Бундай машқнинг берилиши чет тили ўқитишда замонавий амалий қўлланмалар ва дастурларда тилнинг грамматик компетенциясини умумлаштирган ҳолда тавсифининг берилиши билан боғлиқдир.

Айни дамда немис тили лингвистлари Г.Найер ва Г.Хунфильдларнинг таъкидлашича, Европада турли йўналишларда фаолият олиб бораётган тилшуносларнинг диққат марказида прагматик – функционал концепция масалалари турибди. 60-йилларда прагматик лингвистикада тил форма системаси сифатида эмас, балки инсон фаолиятининг аспекти сифатида

тадқиқ этила бошланди. Ушбу йўналиш тарафдорлари прагматика — яъни одамлар бир-бирига бирор нарсани тушунтиришни тил ёрдамида бажарадилар, тамойили асосида тадқиқ олиб боради деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолатда сўз батафсил маълумот берилиши керак бўлган компонент, нутқий вазиятнинг таҳлили ҳақида бормоқда.

- Бирор маълумот бераётган сўзловчининг хабар бериш жараёнини қандай қилиб систем равишда таснифлаш мумкин?
- Аниқ нутқий вазиятда турли тил қурилмаларини танлаш нимага таъсир кўрсатади?
- Сухбатдошга қандай таъсир кўрсатиш мумкин?

Шуни алоҳида айтиш жоизки, прагма лингвистиканинг ривожланиши тилнинг функционал концепциясининг ҳам ривожланиши мумкинлигини кўрсатди.

Ҳаммамизга маълумки, ушбу концепциянинг мақсади имкон қадар дарс жараёнида кундалик ҳаётимизда коммуникатив вазиятларда ўзлаштирилган тил материалларининг тез ва пухта қабул қилинишига қаратилгандир.

Прагмалингвистика тарафдорлари томонидан тузилган нутқий вазиятнинг системали тавсифи хорижий тил дидактикасини ривожлантиришда, келажакда таълимнинг аниқ мақсадларда олиб борилишига йўналтирилган ва дарсликларни яратишда катта роль ўйнайди.

Шундай қилиб, мазкур ҳолатда сўз мулоқот компетенциясининг грамматик муносабатларини қамраб олувчи мулоқот алмашинуви фикрни ифода этиш формаси орасидаги боғлиқликни (боғлиқлик) муносабатлари устидан коммуникатив компетенциянинг асосийлиги ҳақида бормоқда.

Биз тўлақонли Г.Хельбининг фикрини маъқуллаймиз. Яъни ҳар ким, кимки мулоқотни тил воситаси орқали амалга оширишни истаса, айниқса чет тилини ўрганиш жараёнида, у албатта нафақат ифодаларни грамматик жиҳатдан тўғри қуришни ўрганиш, балки айнан шу ёки бошқа ифодаларнинг матнда келишига қараб уларнинг маъно турларини тушунишни ҳам билиш керак. Айни мана шу ерда, коммуникатив компетенция ҳодисаси содир

бўлади. Айни пайда, турли ифолар бирор бир матнда (шунга ўхшаган бошқа матнларда) келишига қараб турли ифода этилсада, баъзан бир хил коммуникатив вазифани бажариши тилшунослар учун шубҳасиз аёндир.

“Deutsch - warum nicht?” дарслиги асосида немис тилида нутқий мақсадни (ўй-фикрларни) амалга оширилишини кўриб чиқамиз.

Ушбу дарсликнинг асосий томонидан интуицияга (ҳиссий билишга) асосланиб у ёки бу лексикадан нима учун фойдаланилганини уларнинг ўзлари ҳам тушунтира олмадилар.

“**Polizei!Hoffentlich** schaffe ich meinen Termin noch.(27бет)

Андреас полиция ходими билан суҳбатлаша туриб, автомобилнинг тезлигини оширилиши билан боғлиқ саволларга жавоб берди.

“Das ist gut **möglich**.” (28бет)

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, сўзловчининг нутқий вазиятда тил воситаларининг танлаши (фикрнинг) нутқнинг кимга ёки нимага қаратилганлигига – яқин танишигами, нотанишгами, ёки сўзловчининг ўзига тегишлими, нутқий вазиятдаги шахс бирор предметнинг ёнида ёки ёнида эмаслигига, қараб изоҳланадилар.

Биринчи ҳолатда норозилик ифодаси билан боғлиқ гапда турли кўринишларда – буйруқ, сўроқ шаклида ва дарак гапда намоёиш бўлиши мумкин.

Худди шунга тескари ҳолатни кўриб чиқайлик. Яъни битта гап турли нутқий вазиятларда турлича коммуникатив вазифа бажариши мумкин. Лекин ҳар бир гап матнда сон-саноксиз маъно англатади деган хулосага бормаслик керак.

Юқорида келтирилган мисоллар асосида тил ўқитиш жараёни соддадан мураккабга томон тамойили асосида грамматиканинг (осон ёки қийинлигига қараб) бир неча марта олиб борилиши мумкин. Шундай қилиб, тилнинг у ёки бу грамматик структурасига киришининг зарурати ҳақида гапира туриб, биз унинг вазифавий аҳамиятидан четлашамиз.

“Rund um Usbekiston” дарслигининг грамматикаси ҳар бир дарснинг асосий қисми ҳисобланади.

Тақдим этилаётган грамматик қоидаларни талабаларнинг ўзлари тушунишларига, яъни тушуниш қоидаси визуаллик асосида қўллаб-қувватланади. Грамматик структуралар цикл шаклида қайтарилиб туради. Асосий грамматик (синтактик ва морфологик) тушунчаларга аниқликлар “Grammatik” бўлимида берилган. Дарсликнинг сўнгги қисмида грамматик маълумотлар обзор шаклида ўзбек ва рус тилларида берилган.

Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш

Ҳозирги кунда Республикамизда жорий этилган таълим тизими ўзининг изчиллиги ва узвийлиги билан ривожланган давлатлар таълим тизими билан бемалол рақобатлаша олади деб айта оламиз.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ ислоҳ этила бошланди, ҳамда бир неча меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланди. Булардан ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида “Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси президентининг дастлабки 2008-йил февралдаги қарори.

Таълимни янгилашдан кўзланган бош мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни қатъий этикод ва қарашлар руҳида менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир. Ушбу мақсаддан кўзланган натижани олишда **мустақил таълим** ва мустақил таълимнинг ташкил этилиши катта аҳамият касб этади. Маълумки, мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда барча фанлар каби чет тили дарслари учун ҳам ажратилган мустақил ишларни ташкиллаш муаммоси кенг ва атрофлича

ўрганишга замин бўлмоқда. Талабалар мустақил иш бажариш мобайнида мустақил фикрлашга, ижодий меҳнатни ташкиллашга ўрганиб бормоқдалар.

Мустақил иш – бу талабага берилаётган билимнинг мустахкамланишининг бир усулидир. Мустақил иш билим олувчини ўз устида ишлашга, изланишга ундайдиган ўқув жараёнини ташкил қилиш усулларида биридир. Мустақил иш талабада илмий изланиш фаолиятини шакллантиради ва такомиллаштиради. Мустақил ишнинг асосий мақсади – талабада ўқитувчининг бевосита ва билвосита раҳбарлиги остида **маълум бир ҳажмда** режалаштирилган ишларни бажариш малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Мустақил ишлаш малакаси чет тилларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай фаолиятни ўзлаштириш шахснинг индивидуал уринишисиз амалга ошмайди. Шу жумладан, немис тилини ўқитишда ҳам мустақил иш топшириқлари талабаларининг ўз устида ишлаш кўникмаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Агар илгари олий ўқув муассасаларида ўқитувчи бир ҳафтада фақат бир ярим соатлик дарсни ташкил қилишни режалаштирган бўлса ҳозирги вақтда мустақил иш соатлари билим ҳажмини кенгайтириш имкониятини беради. Бугунги кунга келиб таълим соҳасида жадал ривожланишлар рўй берди. Жумладан, талабаларнинг мустақил ишларни ташкил этиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005-йил 25 февралдаги “Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 34 сонли буйруғига асосан:

Биринчи босқичда аудитория дарси 76 соат бўлса, 46 мустақил ишлар соати

Иккинчи босқичда аудитория дарси 84 соат бўлса, 60соат мустақил ишлар соати

Учинчи босқичда аудитория дарси 42 соат бўлса, 29 соати мустақил ишларга ажратилган.

Чет тили дарсларида мустақил ишларини ташкил этиш жараёнида фан ўқитувчиси бир қанча масалаларни ҳал этиши керак. Биринчидан, фан ўқитувчиси мустақил ишларни дидактикасини (нимани ўргатишни) аниқлаш; иккинчидан, уни ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш; учинчидан, мустақил ишларни баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиши зарур;

Афсуски, ўқув адабиёт ва мақолалар таҳлили, ҳозирги кунда мустақил ишларни бажаришда дарсликни ўрни ҳақида илмий изланишлар ҳали етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Тажрибали ўқитувчилар ҳам бу масалада бир фикрга келгани йўқ. Мазкур мақоламизда мустақил ишларни немис тили дарсларида дарслик орқали ташкил этиш имкониятлари ҳақида амалий тавсиялар бермоқчимиз. Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ечиш мақсадида, янги ноанъанавий усулларга асосланиб яратилаётган “Rund um Usbekistan” немис тили дарслигида ҳар бир мавзунини ўқишда мустақил ўзлаштириш учун топшириқлар ҳам киритилган. Масалан, “Тошкент” мавзусини киритганда, қуйидаги вазифалар берилган:

Schochista möchte:

- die Deutschlehrerbibliothek besuchen.
- in der Galerie den Dokumentarfilm “Das Bauhaus – Ein Mythos” sehen.
- die Ausstellung “Bauhausfotografie” in der Galerie besuchen.
- in die deutsche Botschaft gehen.

Machen Sie einen Plan für Schochista. Was macht sie wann? Was ist möglich?

Бу топшириқни бажариш учун албатта дарсликда керакли интернет сайтлари берилган. Интернет тармоғи билан ишлаш талабадан яхшигина компьютер саводхонлигини талаб этади. Агар талабага керакли мавзуга оид интернет сайти тавсия этилган бўлса, энди индивидуал равишда берилган мустақил иш мавзусига оид маълумотларни қидириб топади. Ҳаммамизга маълумки, интернет жудаям кенг тармоқ бўлиб, биз ундан ўзимиз истаган информацияни исталган кўринишда топишимиз мумкин. Интернет тармоғи билан ишлаш талабада бир қанча ижобий хусусиятларни шакллантиради.

Жумладан, қўйилган масаланинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш, керакли материални қандай қидириб топиш. Дарслик эса талабаларни мақсадли йўналишда ахборот олишини таъминлайди.

ДАРСЛИКНИНГ ЖИҲОЗИ

Ҳар бир саҳифа рақамланган ва қатъий структура асосида тузилган:

1,2,3 бетлар	Magazin- журнал
4-	машқлар
5-	сўзлар
6-	сўз ясалиши
7,8	грамматика

Фотосуратлар матнларни тушунишга хизмат қилади.

Луғат

Луғат алфавит тартибида тузилган бўлиб, қуйидаги маълумотларни ўзида мужассалаштиради.

А) ўрганилаётган сўз мисоллар асосида чет тили(немис тили) да тушунтириш

В) нарс-буюмнинг кўплик шаклида турланиши учун артикль ва аффикслар, шунингдек Genitiv келишигининг суффикси.

С) феълнинг уч шакли, Перфект замонидаги ёрдамчи феъл билан.

Д) ўзбек ва рус тилларидаги таржимаси билан.

Дарслик янги орфографик қоидалар асосида ёзилган. Мазкур дарслик немис тили ўқитувчилари, талабалар ва барча немис тили билан шуғулланувчилар учун мўлжалланган.

Адабиётлар:

1. В.Д. Девкин. Особенности немецкой речи. "Международные отношения" Москва. 1965
2. И.Расулов. "Ҳозирги адабий тилида бир составли гаплар", "Фан" Тошкент. 1974
3. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси "Ўқитувчи" 1996.
4. W.Admoni. Der deutsche Sprachbau.
5. O.Moskalskaja. Grammatik der Deutschen Gegenwartsprache. Verlag "Hochschule" Moskau. 1975
6. А.Шомаксудов ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. "Ўқитувчи" Тошкент. 1983
7. G. Neuner und H.Hunfeld, Methoden des fremdsprachlichen
8. Deutschunterrichts. Langenscheidt 1993.
9. D. Blei/G.Böhme, Die Entwicklung von sprachkommunikativem Können
10. unter Beachtung der Einheit von System- und Tätigkeitsaspekt der Sprache.
11. Deutsch als Fremdsprache. Leipzig. Heft 3/1983.
12. G. Helbig, Morphosyntaktische, semantische und pragmatische Aspekte in der Beschreibung der deutschen Grammatik, in: LAB 28, Leipzig 1980.
13. Каримов И.А. Правовая гарантия нашего великого будущего. Т., 1993.
14. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 2002.
15. www.parliament.gov.uz
16. Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. Langenscheidt. Dr.Dieter Götz. 2003 Berlin und München.

17. W. Admoni. Der deutsche Sprachbau «Просвещение» Москва-Ленинград 1966..
18. Ҳозирги ўзбек адабий тили (1) Ф.К. Камолов
19. Девкин В.Д. Особенности немецкой разговорной речи. Москва, 1965 Издательство «международные отношения»
20. Кривоносов А.Т. О модальных частицах в немецком языке. Сб. «Структурные особенности разговорной речи» Иркутск, 1963
21. Wolfgang Rug, Andreas Tomaszewski. Grammatik mit Sinn und Verstand. Ernst Klett International. Stuttgart. 2006
22. Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар. “Меҳнат” Тошкент. 1991
23. Eva Breindl: DaF goes Internet! Neue Entwicklungen in Deutsch als
24. Fremdsprache.” Deutsche Sprache” 4/1997
25. Neuner, Gerhard; Hunfeld, Hans(1993): Methoden des fremdsprachlichen Deutschunterrichts. Langenscheidt.
26. Duszenko, Maren (1994): Lehrwerkanalyse. Langenscheidt. München
27. Edelhoff, Christoph (Hrsg.) (1985): Authentische Texte im Deutschunterricht. München: Hueber.
28. Т.М, Великородная, Визуализация мыслей учащихся - как средства повышения мотивации успешности
№11, 27.03.06-ж. Kutbilim@Monk.bishkek.gov.kg

Мундарижа:

1. Кириш.....
2. Замонавий дарслик концепцияси.....
3. “Mind map” методи.....
4. Коммуникатив кўникмалар.....
5. Миллий истиклол ғояси.....
6. Чет тилини ўқитишда она тили роли.....
7. Бадий адабиётларни қўллаш имкониятлари.....
8. Социалингвистик компетенция.....
9. Грамматик компетенция.....
10. Талабаларни мустақил ишларини ташкил қилиш.....
11. Дарсликни жиҳози.....
12. Адабиётлар.....